УДК 94 (575.1) /1929-1936

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЁППАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ДАВРИДА СОЛИҚ СИЁСАТИ

М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ

Мақолада Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида совет ҳукумати жорий этган солиқ сиёсати ва унинг моҳияти тадқиқ этилган. Совет ҳукуматининг солиқ қонунчилиги таҳлил этилиб, деҳқон хўжаликларининг турли табақаларига нисбатан жорий этилган солиқ ставкалари ва уларнинг миқдори ҳақида маълумот берилган. Солиқ сиёсати асосан қишлоқнинг бадавлат ва ўртаҳол қатламларига қарши қаратилган ва у якка деҳқон хўжаликларини колхозларга киритиш учун муҳим восита вазифасини бажарганлиги асосланган.

Калит сўзлар: *совет ҳукумати, қишлоқ хўжалиги, коллективлаштириш, солиқ, солиқ сиёсати, солиқ қонунчилиги, ягона қишлоқ хўжалик солиғи, қулоқ хўжаликлари, колхоз, солиқ ставкаси, солиққа тортиш, ўз-ўзини солиққа тортиш.*

В статье исследуется сущность налоговой политики, проводимой советским правительством в Узбекистане в годы массовой коллективизации сельского хозяйства. Проанализировано налоговое законодательство, ставки и суммы налога, применяемые к различным категориям дехканских хозяйств. Установлено, что налоговая политика советского правительства в годы коллективизации в основном была направлена против середняцких и зажиточных слоев кишлаков и служила основным инструментом для включения дехкан в колхозы.

Ключевые слова: *советское правительство, сельское хозяйство, коллективизация, налог, налоговая политика, налоговое законодательство, единый сельскохозяйственный налог, кулацкое хозяйство, колхоз, налоговая ставка, налогообложение, самообложение.*

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш йилларида деҳқон хўжаликларининг солиққа тортилиши масаласи совет даври тарихшунослигида маълум даражада ёритилган бўлса-да [1, 2, 3, 4, 5], шўро тарихчилари ва иқтисодчилари бу масалани ҳар тарафлама ва тўла таҳлил этмаганлар. Мавжуд илмий адабиётларда мавзунинг маълум жиҳатлари фақат бир тарафлама, нохолис тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу адабиётларда масала бутуниттифоқ миқёсда тадқиқ этилгани учун алоҳида республикалардаги ҳолат уларда тўла акс этмаган.

Ёппасига коллективлаштириш йилларида (1929-1932 йиллар) Ўзбекистонда ҳам солиқ сиёсатини амалга оширишда қишлоқ аҳолисига нисбатан ижтимоий-синфий ёндашувлар яққол намоён бўлди. СССР МИК ва ХКСнинг 1930 йил 23 февралдаги “Ягона қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги низом ва уни кучга киритиш тўғрисида”ги қарорида: “ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар қаторида қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги қонунларни қайта кўриб чиқиш ҳам зарурки, улар йирик коллектив хўжаликларнинг ўсишига мувофиқлаштирилиши лозим”лиги кўрсатиб ўтилган эди [6. Б. 143–144].

Шу муносабат билан СССР МИК ва ХКС 1930 йил 23 февралда “Ягона қишлоқ хўжалик

солиғи тўғрисида янги таҳрирда”ги Низомни қабул қилди. Низомда қишлоқ хўжалик солиғи тўрт турга: якка деҳқон хўжаликларидан олинадиган, қулоқ хўжаликларидан олинадиган, колхоздан ва колхозчилардан олинадиган солиқларга ажратилди. Ҳукумат солиқ сиёсати орқали ҳам колхозларнинг иқтисодий ва моддий жозибадорлигини оширишга уринди. Янги низомга мувофиқ прогрессив тизим ўрнига колхозлар учун мутаносиб солиқ тизими тузилди, у солиқ солинадиган даромадларни тартибга солишга мўлжалланган эди.

Мутаносиб ставкалар юқори ва паст даромадли колхозларни солиққа тортиш бўйича ўзаро тенглаштирди, яъни колхознинг даромади ошиб борса ҳам солиқ ставкаси ошмас эди. Шунингдек, солиқ солинадиган даромадларни шакллантириш рентабеллик меъёрларига қараб эмас, балки натижаларга кўра амалга оширилиши белгиланди. Колхозчилар учун ишлаб чиқариш имтиёзлари кенгайтирилди, айрим ҳудудлар учун хўжаликларнинг даромад меъёрларига ўзгартиришлар киритилди. Колхозчиларнинг жамоа хўжаликларида топган даромадлари солиққа тортилмайдиган бўлди. Колхозчиларнинг шахсий хўжаликларига якка деҳқон хўжаликлари ставкаси ва нормаси билан бир хил солиқ белгиланди, лекин колхоз аъзоларига тегишли чорва ҳайвонлари (иш ҳайвонлари мустасно) солиқдан озод қилинди. 1930 йилдан колхозчилар ихтиёрий солиқларга тортилмайдиган бўлди ва улардан “трактор учун тўловлар” йиғиш тўхтатилди. Айни пайтда Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисидаги Низомнинг 29-моддасига биноан якка тартибда солиққа тортиладиган қулоқ хўжаликлари белгилари рўйхати кенгайтирилди [6. Б. 143]. Якка тартибдаги солиққа тортиш солиқ ставкасининг юқори фоизини белгиловчи алоҳида шкаласи бўйича амалга оширила бошлади. Бу шкала бўйича бир йилда 500 рублгача даромад олувчи хўжаликларга минимал ҳажм – даромаднинг 20 фоизи миқдорида, йилига 6000 рублдан ортиқ даромад топувчи хўжаликларга максимал ҳажм – даромаднинг 70 фоизи миқдорида белгиланди [6. Б. 143]. Солиқни ҳисоблашда хўжаликнинг оила аъзолари сони эътиборга олинмади.

1926–1927 хўжалик йилида битта қулоқ хўжалиги тўлаган солиқ ўртача 100 сўм 77 тийинни ташкил қилган бўлса, 1928–1929 хўжалик йилида бу миқдор 267 сўм 45 тийинни ташкил қилди [7. Б. 53]. Яъни бир, бир ярим йил ичида қулоқлар тўлаши лозим бўлган қишлоқ хўжалик солиғи 2,7 бараварга ошди.

Солиққа тортиш амалиёти шуни кўрсатдики, маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, қулоқ хўжалиги деб ҳисоблашга асос бўлувчи белгилар рўйхатини кенгайтира бошладилар. Бу ўртаҳол деҳқон хўжаликларининг ҳам оммавий равишда индивидуал солиққа тортилишига олиб келди. “Қулоқ” хўжаликларини солиққа тортиш индивидуал тартибда, даромаднинг ошишига қараб кўпайиб борувчи орттирилган ставка бўйича жорий этилди. Хўжаликнинг индивидуал солиқ тартибига киритилиши унинг зиммасига катта миқдордаги солиқ ва мажбуриятлар юклашга асос вазифасини бажарди.

1930 йил бошларида Ўрта Осиё республикаларида 29 минг хўжаликка, жумладан, Ўзбекистонда 15500 хўжаликка индивидуал солиқ тўлаш мажбурияти юкланди [7. Б. 115]. Мажбуриятни бажармаган хўжаликларга турли жазо чоралари қўлланди. Маҳаллий советларга солиқ тўламаган “қулоқ” хўжаликлари мулкини мусодара қилиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари мажбуриятларни бажармаганлиги учун деҳқонларни қамоққа олиш жазоси ҳам қўллана бошланди. 1929 йилда СССР бўйича 182 минг деҳқон солиқларни тўлай олмагани учун судга берилди [8. Б. 123]. Жарима, мусодара, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қамоққа олиш оммавий жазо тури бўлиб қолди. Бу деҳқонларнинг фаол тадбиркорлар қатламини қатағон қилиш эди.

“Қулоқ” хўжаликларини аниқлаш ва уларни индивидуал шаклдаги солиққа тортиш ишлари изчил олиб борилди. Жумладан, Андижон округининг Норин районида 1930 йилнинг 2 июлига қадар 20 та қишлоқ совети бўйича 629 та “қулоқ” хўжалиги рўйхатга олиниб, оғир мажбуриятлар юкланган [9. Б. 33]. Андижон округи бўйича эса 1930 йилнинг апрель ойигача 2571 хўжалик қулоқ хўжалиги сифатида рўйхатга олинган [10. Б. 39].

1930 йилда қишлоқ хўжалик солиғи камбағал хўжаликлар учун битта хўжаликка 2 сўм 13 тийин, ўртаҳол хўжаликка 14 сўм 80 тийин, бадавлат хўжаликка 105 сўм 62 тийин, қулоқ хўжалигига 264 сўм 69 тийин миқдорида белгиланган [11. Б. 35].

Мажбурий коллективлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларининг кескин пасайишига олиб келди. Коллективлаштириш жараёнидаги адолатсизлик, зўравонлик сиёсати халқ оммасининг совет ҳукуматидан норозилиги мислсиз даражада кучайишига сабаб бўлди ва 1930 йил бошларида бутун иттифоқда деҳқонларнинг оммавий норозилик ҳаракатлари авж олди. Иқтисодиётнинг аграр секторини ҳалокатдан сақлаб қолиш ва деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари олдини олиш учун ҳукумат коллективлаштиришнинг зўравонлик усулларидан расман воз кечишга мажбур бўлди. 1930 йил 2 мартда ВКП(б) МКнинг кўрсатмаси бўйича СССР МИК ва ХКС томонидан тасдиқланган Қишлоқ хўжалик артелларининг намунавий Низоми матбуотда эълон қилинди. Айни пайтда "Правда" газетасида И.Сталиннинг "Ютуқлардан эсанкираш" номли мақоласи чоп этилди. Мақолада оммавий норозиликлар учун ҳамма айблар маҳаллий раҳбарларга юкланди. 1930 йилнинг 14 мартида эса ВКП(б) Марказий Комитетининг "Коллективлаштириш ҳаракатида партия йўлини бузишларга қарши кураш тўғрисида" қарори эълон қилинди [12. Б. 287–289]. Бу қарорда коллективлаштириш ҳаракатида "ихтиёрийлик принциплари" бузилганлиги ва "оғмачиликлар" юз бергани тан олинди. Айни пайтда, айрим амалий тадбирлар ҳам кўрилиб, коллективлаштиришни жадаллаштириш суръатлари секинлаштирилди, 1930 йилнинг март-апрель ойларида "қулоқ қилиш" қисман тўхтатилди.

Шунга қарамай, деҳқонларни колхозларда ушлаб қолишга уриниш муваффақиятсизликка учради. Ўзбекистонда коллективлаштириш даражаси 1930 йил мартидан май ойига қадар 47,8 фоиздан 27,5 фоизга тушиб қолди [13. Б. 83]. СССР бўйича эса 1930 йил 1 май ҳолатида колхозларда 23,6% деҳқон хўжаликлари қолган эди, холос [14. Б. 41–42].

ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 30 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида қулоқ хўжаликлари устидан солиқ сиёсатини қай тарзда олиб бориш масаласи муҳокама қилиниб, бу масалага доир қарорлар қабул қилинган. Бунга кўра, Молия Халқ Комиссарлигига район ижроия комитетлари билан ҳамкорликда 10 кун ичида индивидуал солиққа тортиладиган хўжаликларни ҳисобга олиш вазифаси қўйилди. 1930 йил 30 октябрдаги маълумотга кўра, республиканинг 61 та райони бўйича 12151 та "қулоқ" хўжалиги рўйхатга олинган [15. Б. 137–138]. Шундан сўнг 1930–1931 хўжалик йили учун индивидуал қишлоқ хўжалик солиғи юкланадиган "қулоқ" хўжаликларини аниқлаш ишлари авж олдириб юборилди. "Қулоқ" хўжаликларини аниқлашга доир янги белгилар киритилди. Бунга кўра 4-5 ой давомида ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлар, узлуксиз бир ой давомида ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар, механик двигателли машинаси бор хўжаликлар, ишлаб чиқариш корхонаси бўлган хўжаликлар, шунингдек, тегирмон, мойжувоз ва шунга ўхшаш восита соҳиблари "қулоқ" сифатида рўйхатга олиниб, индивидуал солиққа тортилди. Шу билан бир қаторда қишлоқда яшовчи табиблар, даллоллар ҳам округ ижроия комитетининг қарорига кўра қулоқ сифатида рўйхатга олинди ва уларга индивидуал солиқ мажбурияти юкланди [16. Б. 5–6].

Марғилон шаҳри бўйича 1930 йил ноябрь ойигача 235 та "қулоқ" хўжалиги аниқланган эди. 1931 йил март ойида шаҳар совети бўйича индивидуал солиққа тортилган қулоқ хўжаликларининг сони 728 тага етиб, улар барча деҳқон хўжаликларининг 4,8 фоизини ташкил қилди [17. Б. 35].

Эски Бухоро туманида 1930 йил охиригача 240 та бой "қулоқлар" аниқланиб, рўйхатга олинган. Улардан 145 нафари индивидуал мажбуриятга киритилган. 1931 йил 2 январида мажбуриятларни бажармаган 89 та бой ва 20 та бадавлат хўжалик суд қилиниб, 73 та бой ва 14 та "қулоқ" хўжалигининг мол-мулки мусодара этилиб, озодликдан маҳрум қилинган, қолганларига эса катта миқдорда жарима солинган [18].

Шаҳрихон районининг 14 та қишлоқ совети бўйича 1929–1930 хўжалик йилида 216 хўжалик

“қулоқ” хўжалиги сифатида қайд қилиниб, индивидуал солиқ мажбурияти юкланган. 1930–1931 хўжалик йилида туманда коллективлаштириш ва “қулоқ” хўжаликларини тугатиш тадбирлари авж олдирилди. Янги қулоқ хўжаликларини аниқлаш ўтказилиб, ҳисоб комиссияси томонидан 333 та “қулоқ” хўжалиги рўйхатга олинди ва индивидуал солиққа тортилди. 1931 йилда туман бўйича бундай хўжаликлар сони 549 тага етди [19. Б. 47].

Фарғона райони пахта кооперациясининг маълумотига кўра, район ҳудудида 1930–1931 хўжалик йилида 283 та “қулоқ” ва 92 та бадавлат хўжалик рўйхатга олинган. Мазкур хўжаликларга 147680 рублик қишлоқ хўжалик солиғи ва бошқа тўловлар мажбурияти юкланган [20. Б. 51].

1930–1931 хўжалик йилида Ўзбекистонда янгидан аниқланиб, индивидуал солиққа тортилган “қулоқ” хўжаликлари сони 17104 тага етди ва булар барча деҳқон хўжаликларининг 2,30 фоизини ташкил қилди [21. Б. 699].

Ўзбекистонда “қулоқ” хўжаликларининг солиққа тортилиш даражаси бир қанча республикалардан, ҳатто, умумиттифоқ даражасидан юқори бўлган. Масалан, 1930–1931 хўжалик йилида Ўзбекистонда индивидуал солиққа тортилган хўжаликлар барча деҳқон хўжаликларининг 2,30 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич РСФСРда 0,55 фоизни, ЗСФСРда 0,77 фоизни, БССРда 0,20 фоизни, Тожикистонда 0,98 фоизни, бутун СССР бўйича эса 0,64 фоизни ташкил қилган [21. Б. 696].

1931 йилда кўпгина “қулоқ” хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай, хўжаликларини ташлаб қочиб кетганлар. 1931 йил февраль ойида ЎзССР Молия Халқ Комиссарлигининг махсус бригадаси Қашқадарё, Сурхондарё округларида текширув ўтказганида, бу ҳудудда рўйхатга олинган “қулоқ” хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистонга қочиб ўтиб кетгани аниқланган. Натижада катта миқдорда тўланмаган солиқ суммаси вужудга келган. Шу боис молия халқ комиссарлиги қочқинликда юрган қулоқларни тутиб келтириш ва маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан ЎзССР Халқ Комиссарлари Советига махсус мурожаатнома юборган [16. Б. 2].

СССР МИК ва ХКСнинг 1930 йил 23 декабрдаги “Қулоқ хўжаликларини индивидуал тартибдаги ягона қишлоқ хўжалик солиғига тортиш тўғрисида”ги қарорида иттифоқдош ва автоном республикалар ХКСларига, ўлка ва вилоят ижроқўмларига ушбу қарорнинг 29-бандида келтирилган қулоқ хўжалиги белгиларини маҳаллий шарт-шароитларга кўра ўзгартириш ҳуқуқи берилди [6. Б. 6].

СССР МИК ва ХКС 1930 йил декабрь ойининг охирларида қишлоқ хўжалик солиғи натижалари билан танишиб чиқиб, якка тартибда солиққа тортилган қулоқ хўжаликлари миқдорини етарли эмас деб топди ва маҳаллий ҳокимият органларига унинг миқдорини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. 1930 йил қонунидаги индивидуал солиқнинг қишлоқ эксплуататор қатламларига алоқаси фақат расмий, декларатив моҳиятда бўлиб, у асосан колхозга кирмаган якка хўжаликларга босим ўтказишдаги мафкуравий восита вазифасини бажарди. Умуман, 1930 йил 23 декабрдаги қарорга кўра, Ўзбекистонда “қулоқ” хўжаликларининг 18 та белгиси жорий этилдики, унга кўра ўтмишда ва ёппасига коллективлаштириш даврида тадбиркорлик хусусиятига эга бўлган ҳар қандай фаолият деҳқон хўжаликларини индивидуал солиқ мажбуриятига киритишга асос бўлар эди.

Ёппасига коллективлаштириш жараёнида “қулоқ” деб топилган деҳқон хўжаликлари молмулкини маъмурий тартибда мусодара қилиш, “қулоқ” оилаларини эса мажбуран сургун қилишдан иборат кенг кўламли операция амалга оширилди. Айни пайтда, 1930–1931 йилларда ҳам бу тоифага киритиш мумкин бўлган хўжаликларни аниқлаш ва индивидуал солиққа тортиш давом этди. Ягона қишлоқ хўжалиги солиғига қўшимча равишда якка деҳқон хўжаликлари зиммасига “ихтиёрий-мажбурий” тўловлар ҳам белгиланди. Қаттиқ маъмурий усуллар билан якка деҳқон хўжаликларига МТСлар қуриш ва тракторлар сотиб олиш учун заём ва йиғимлар кўринишидаги мажбуриятлар юкланди. 1930–1935 йилларда якка деҳқон хўжаликларининг барча даромад манбаларини аниқлаш ва солиқ солиш изчил олиб борилди.

Булар, асосан, деҳқонларнинг ҳунармандчилик ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган машғулотлардан топадиган даромадлари, шунингдек, маҳсулотларни бозорда сотишдан олинган даромадларга тааллуқли эди.

1931–1938 йилларда қишлоқ хўжалиги учун базавий солиқ сифатида қишлоқ хўжалиги солиғи сақланиб қолди, у 1931 йилда ҳам ягона қишлоқ хўжалик солиғи (ЯҚХС) деб номланса-да, 1932 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигида деҳқонлар учун мажбурий тўловлар кўпайгани учун бу атама ўзининг моҳиятини йўқотди. Амалда қишлоқ жойларидаги ҳар бир оила ўзини-ўзи солиққа тортиш (самообложение) тартибида маҳаллий бюджетга ўз ҳиссасини қўша бошлади. 1931 йилда қишлоқнинг иқтисодий ва маданий қурилиш эҳтиёжлари учун бир марталик йиғим ундирилди ва бу 1932 йилдан бошлаб ҳар йиллик маданий йиғимга айлантирилди [22. Б. 245]. Бу йиғимнинг солиқ хусусияти якка тартибдаги деҳқонлар ва колхозчиларга тегишли биноолар, от, қорамол ва экинлар учун мажбурий иш ҳақини суғурталашдан иборат эди [22. Б. 245].

1931 йил бошларида большевиклар режими ёппасига коллективлаштиришнинг янги тўлқинини авж олдирди. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда коллективлаштириш суръати 1931 йил 1 январидаги 22,5 фоиздан 1 июнга келиб 46,4 фоизга, 1 декабрга келиб эса 65 фоизга кўтарилди. Якка деҳқон хўжаликларини колхозларга киришини рағбатлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири якка хўжаликларга солиқ юкини ошириб бориш бўлди. Ҳатто якка деҳқон хўжаликларининг аксарияти касодга учраб, камбағал хўжаликка айланиб қолганида ҳам солиқлардан қутула олмади. Совет ҳукумати аввалгидек якка хўжаликларнинг бир қисмини уларнинг камбағаллиги яққол кўриниб турсада, қулоқ хўжаликлари разрядига киритган эди. Ҳукумат камбағал хўжаликлар колхозларга кириши учун солиқдан озод қилинган камбағал хўжаликлар улушини тобора қисқартириб борди. Бунга боғлиқ равишда 1931 йилги “Ягона қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида”ги Низомда солиқлардан озод бўлиш имтиёзини берувчи минимумлар кўрсатилмаган эди. 1931 йили солиқ юки 1 рублдан ошмайдиган хўжаликлардангина солиқ ундирилмади. 1932 йилдан эса бу имтиёз ҳам бекор қилинди. Айрим кам қувватли хўжаликларни солиқдан қисман ёки тўла озод қилиш ҳуқуқи қишлоқ солиқ комиссиялари ихтиёрига берилган эди. Шунингдек, солиқдан қисман ёки тўла озод қилишга асос бўлувчи сабаблар “камбағаллар, колхозчилар ва фаол ўртаҳоллар йиғилишларида муҳокама қилиниши ва тасдиқланиши” лозим эди [23. Б. 317].

1931 йилги “Ягона қишлоқ хўжалик солиғи тўғриси”даги Низом колхозлар, колхозчиларнинг умумлаштирилмаган хўжаликлари, якка деҳқон хўжаликлари ва “қулоқ” хўжаликлари солиққа тортилишини янада кескин табақалаштирди [24. Б. 171]. 1931 йилда якка деҳқон хўжаликларининг солиққа тортиладиган даромад манбалари таркиби колхозчиларникига нисбатан кўпроқ эди. Илгари 30 фоиз деҳқон хўжаликларига татбиқ этилган солиққа тортилмайдиган минимум бекор қилинди. Баъзи бир камқувватли хўжаликларни солиқдан озод қилиш қишлоқ солиқ комиссияларининг қарорига мувофиқ амалга оширила бошлади. Қишлоқ аҳолисига жорий этилган солиқ тизими 1931 йилда СССР МИК ва ХКСнинг 1931 йил 9 январдаги қарори билан жорий этилган қишлоқ жойларида иқтисодий ва маданий қурилиш учун бир марталик йиғим (культсбор) билан тўлдирилди [25. Б. 34]. Маданий йиғим якка деҳқон хўжаликларига, қишлоқда доимий яшовчи фуқароларга (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиганлар), шунингдек, умумлаштирилмаган даромадга эга бўлган колхозчиларга жорий этилди. Бир марталик йиғим ставкалари деҳқон хўжаликларининг алоҳида гуруҳлари учун улар тўлаётган қишлоқ хўжалик солиғи ҳажмининг 65 фоизидан 100 фоизи миқдоригача белгиланган. Ушбу йиғим ҳукуматнинг махсус қарорларига биноан коллективлаштиришдан кейинги йилларда ҳам давом эди. 1932 йилда маданий йиғим мажбуриятига умумлаштирилмаган даромад манбаси бор-йўқлигидан қатъи назар, барча колхозчилар киритилди. 1931 йилда қишлоқ аҳолиси ва колхозларнинг солиқ тўловлари жами суммаси Иттифоқ бўйича 702,6 млн. рублни

ташкил этди. Бу сумманинг 381 млн. рублини колхозлар ва якка деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик солиғи, 244,7 млн. рублини якка деҳқон хўжаликлари ва колхозчилардан олинган маданий йиғимлар, 76,9 млн. рублини колхозларнинг қишлоқ хўжалик солиғи ташкил қилди [2. Б. 135].

Юқорида келтирилган солиқ ва йиғимлардан ташқари, деҳқон хўжаликлари давлат заёмларини сотиш, кооперацияларга аъзолик бадаллари каби расман кўнгилли хусусиятда бўлган бюджетдан ташқари тўловларни ҳам тўлар эдилар.

1931 йилдан деҳқонлардан солиқ тўплаш кампанияси расман 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайдиган иш ҳақи йилига тўғри келмай қолди [1. Б. 78]. Солиқ кампанияси эса СССР МИК ва ХКСнинг қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги Низоми тасдиқланганидан кейиноқ, яъни баҳордан бошланар эди. Ёзда қишлоқ хўжалик солиғи солинадиган объектлар рўйхатга олинган, куз ва қиш мавсумида эса солиқлар тўланган. Деҳқонлар ўзларига ҳисобланган индивидуал солиқ, мажбурий иш ҳақи суғуртаси, якка деҳқон хўжаликлари бир марталик солиқлар ва 1932 ва 1934 йилларда отлари учун ҳам солиқ тўладилар. Маданий йиғим календарь йилининг бошида олинган. Бу йиғимнинг суммаси ўтган йилги қишлоқ хўжалиги солиғи миқдорига боғлиқ бўлган ва шунга мос равишда бу йил оладиган даромадлари билан аниқланганлиги сабабли, у янги солиқ кампаниясини бошламай, балки эскисини якунлаган.

1932 йил 19 ноябрда СССР МИК ва ХКС қарори билан ягона қишлоқ хўжалик солиғига қўшимча равишда якка деҳқон хўжаликлари учун бир марталик солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ "якка тартибдаги хўжаликларнинг маҳсулотларини бозор нархларида сотишдан ва қишлоқ хўжалигидан ташқари машғулотлари ҳисобига ошиб бораётган даромадларидан" олиниши кўрсатилди. Солиқ ставкалари деҳқон хўжаликларининг алоҳида гуруҳлари учун табақалаштирилди. Қатъий ставкалар бўйича қишлоқ хўжалик солиғига тортилган хўжаликлар учун янги солиқ битта хўжалик учун 15–20 рубль миқдорида, ошиб борувчи ставкалар бўйича солиққа тортилган хўжаликлар учун қишлоқ хўжалик солиғи окладининг 100 фоизидан 175 фоизигача миқдорида, "қулоқ" хўжаликлари учун қишлоқ хўжалик солиғи окладининг 200 фоизи миқдорида белгиланди [26. Б. 476]. Даромадлари йиллик 200 рублдан 700 рублгача бўлган хўжаликлар учун солиқ миқдори 1931 йилда ялпи даромаднинг 28 фоизини ташкил қилган бўлса, 1934 йилга келиб у 36,7 фоизга етди.

Умуман, 1931–1934 йилларда 500 рубль даромадга эга бўлган деҳқон хўжаликлари учун ялпи солиқ миқдори 9 баробар, 1000 рубль даромадли хўжаликлар учун 3,3 баробар, 1500 рубль даромадли хўжаликлар учун 2,7 баробар, 2000 рубль ва ундан юқори даромадли хўжаликлар учун 2,5 баробар, даромади 3000-6000 ва ундан юқори бўлган хўжаликларга 2,4 баробар ошди [27. Б. 46–47]. Солиқлар билан бир қаторда иш ҳақининг мажбурий суғуртаси, давлат заёмлари, "Тракторцентр" акциялари каби турли хил тўлов ва мажбуриятлар ҳам бор эди.

1931–1935 йилларда колхозлардан пул ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи асосий солиқ сифатида сақланиб қолди. 1936 йилда у колхозлардан олинадиган даромад солиғи билан алмаштирилди. Колхоз мулки (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бинолари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, иш ва чорва ҳайвонлари, шунингдек, майда ҳайвонлар, экинлар) мажбурий иш ҳақи бўйича суғурталаниши лозим эди.

1937 йилда СССР МИК ва ХКС қарори билан бу даврга қишлоқ советлари томонидан бажариб келинган қишлоқ аҳолисига солиқ солиш ва йиғиш функцияси молия органларига ўтказилди. Шу йили колхозларга жарима қўллаш, колхозчилар ва якка деҳқонларнинг солиқ объектларини яширганлиги учун ёки солиқ тўламаганлиги учун етказилган зарарни қоплаш мақсадида уларнинг мол-мулкини мусодара қилишнинг маъмурий тартиби ҳам бекор қилинди. Энди хўжаликларни жаримага тортиш ёки мол-мулкини тортиб олиш фақат суд қарори билангина мумкин эди.

Хуллас, ёппасига коллективлаштириш йилларида солиқлар деҳқон хўжаликларининг айланма маблағлари ва асосий капитали ўсишига тўсиқ бўлди, бу эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жиддий зарар етказди ва якка деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлишига олиб келди.

Адабиётлар:

1. *Залесский М.Я.* Налоговая политика советского государства в деревне. – Москва: Госфиниздат, 1940. – 120 с.

2. *Марьяхин Г.Л.* Налоговая система СССР. – Москва: Госфиниздат, 1952. – 245 с.

3. *Пискотин М.И*. Налоги с сельского населения в СССР. – Москва: АН СССР, 1957. – 198 с.

4. *Дьяченко В.П.* История финансов СССР (1917–1950 гг.). – Москва: Наука, 1978. – 493 с.

5. *Буртина Е*. Коллективизация без «перегибов»: налоговая политика в деревне 1930–1935 гг. // Октябрь. 1990. № 2. – С. 159–174.

6. Собрание законодательства СССР. 1930. №13.

7. *Ивницкий Н.А.* Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929–1932гг.). – Москва: Наука, 1972. – 320 с.

8. *Голованов А.А.* Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1936 гг. – Ташкент: Фан, 1992. – 162 с.

9. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 125-фонд, 1-руйхат, 100-иш.

10. АВДА, 189-фонд, 1-руйхат, 392-иш.

11. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), 95-фонд, 1-рўйхат, 2219-иш.

12. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и Советского правительства. 1927–1935. – Москва: Изд. АН СССР, 1957. – 576 с.

13. *Аминова Р*. Осушествление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг). – Ташкент: Фан, 1977. – 312 с.

14. *Надькин Т.Д*. Сталинская аграрная революция и крестьянство. – Саранск: Издательский дом «Курьер-С», 2006. – 242 с.

15. Ўз МА, 837-фонд, 8-рўйхат, 311-иш.

16. Ўз МА, 837-фонд, 9-рўйхат, 420-иш.

17. Ўз МА, 837-фонд, 9-рўйхат, 419-иш.

18. “Правда Востока”, 4 январь, 1931 г. №3 (2408).

19. Ўз МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 3544-иш.

20. Ўз МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 3200-иш.

21. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. Том 2. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. / Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – Москва: РОССПЭН, 2000. – 928 с.

22. История крестьянства СССР. История советского крестьянства. В 5 томах. Том 2. // В кн.: Советское крестьянство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. Конец 1927-1937. – Москва: Наука, 1986. – 448 с.

23. *Ивницкий Н.А.* Репрессивная политика советской власти в деревне (1928-1933 гг.). – Москва: Вече, 2000. – 350 с.

24. Собрание законодательства СССР. 1931. – №19.

25. Собрание законодательства СССР. 1931. – №3.

26. Собрание законодательства СССР. 1932. – №78.

27. *Еферина Т.В., Марискин О.И., Надькин Т.Д.* Налоговая политика и крестьянское хозяйство в 1920-е-1930-е годы. – Саранск: “Красный Октябрь”, 1998. – 376 с.

TAX POLICY IN UZBEKISTAN DURING THE PERIOD OF TOTAL COLLECTIVIZATION OF AGRICULTURE

M.G. Abdullaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 39-48.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: soviet government, agriculture, collectivization, tax, tax policy, tax legislation, unified agricultural tax, “kulak” economy, collective farm, tax rate, taxation, self-taxation.

Taxation of the peasantry during the years of continuous collectivization of agriculture was reflected in the Soviet historical literature. However, despite the close attention paid by historians and economists to the taxation of the Russian peasantry, its historiography is still fragmentary. Some aspects of the topic are studied unevenly and regionally. During the years of continuous collectivization of agriculture in the late 1920s-1930s, the social – class approach became more pronounced in the implementation of tax policy. The collection of taxes from individual peasants was closely linked to the process of collectivization and “dekulakization”.

On February 23, 1930, the CEC and the SNK of the USSR adopted a Regulation on a single agricultural tax: the agricultural tax was actually divided into four taxes: from individual peasant farms, from “kulak” farms, from collective farms and from collective farmers. The authorities tried to strengthen the economic and material attractiveness of collective farms. According to the Regulations on the unified agricultural tax of 1930, a proportional system of taxation of collective farms was established instead of a progressive one, which was designed to regulate taxable income. Proportional rates equalized the taxation of collective farms with high and low incomes, since the tax rate for each “ruble” did not increase with an increase in the profitability of the collective farm.

In 1931, the taxable income of individual farms began to include income from more sources than in the farms of collective farmers. The non-taxable minimum tax, which previously exempted about 30% of households, was abolished. The tax exemption of individual low-power farms was made according to the decisions of the rural tax commissions. The system of taxes from the rural population was supplemented in 1931 by a one-time collection for economic and cultural construction (kultsbor) in rural areas, introduced by the resolution of the CEC and the SNK of the USSR of January 9, 1931.

On November 19, 1932, the CEC and the SNK of the USSR, in addition to the unified agricultural tax, introduced a one-time tax on individual peasant farms. This tax was supposed to cover “the increased income of sole proprietors from the sale of products at market prices and from non-agricultural earnings”, which were not covered by the agricultural tax. The tax rates were differentiated for individual groups of farms. For farms that were subject to agricultural tax at fixed rates, they were set in the amount of 15-20 rubles. for farms that were taxed at progressive rates-from 100 to 175% of the salary of the agricultural tax; for “kulak” farms-200% of the salary of the agricultural tax.

In 1931-1934, the total amount of taxes for peasant farms with an income of 500 rubles increased by 9 times, with an income of 1,000 rubles-by 3.3 times, with an income of 1,500 rubles-by 2.7 times, with an income of 2,000 rubles and above-by 2.5 times, with an income of 3 000 – 6 000 rubles and above-2.4 times.

References:

1. Zalesskij, M.Ya. (1940) Nalogovaya politika sovetskogo gosudarstva v derevne [Tax policy of the Soviet state in the countryside] .Moscow: Gosfinizdat.

2. Mar'yahin, G.L. (1952) Nalogovaya sistema SSSR [The tax system of the USSR] Moscow: Gosfinizdat.
3. Piskotin, M.I. (1957) Nalogi s sel'skogo naseleniya v SSSR Taxes on the rural population in the USSR]. Moscow: AN SSSR.
4. D'yachenko, V.P. (1978) Istoriya finansov SSSR (1917-1950 gg.) [History of Finance of the USSR (1917-1950)]. Moscow: Nauka.
5. Burtina, E.(1990) Kollektivizaciya bez «peregibov»: nalogovaya politika v derevne 1930-1935 gg. [Collectivization without "excesses": tax policy in the countryside 1930-1935]. Oktyabr'. No 2. Pp.159-174.
6. Sobranie zakonodatel'stva SSSR (1930) [Collection of legislation of the USSR]. No13.
7. Ivnickij, N.A. (1972) Klassovaya bor'ba v derevne i likvidaciya kulachestva kak klassa (1929–1932gg.) [The class struggle in the countryside and the elimination of the Kulaks as a class (1929-1932)]. Moscow: Nauka.
8. Golovanov, A.A. (1992) Krest'yanstvo Uzbekistana: evolyuciya social'nogo polozheniya. 1917-1936 gg. [The peasantry of Uzbekistan: the evolution of the social situation. 1917-1936]. Tashkent: Fan.
9. Andijon viloyat davlat arxivi (ABDA) [Andijan Regional State archive (ARSA)]. Fund -125. List-1, Folding Volume-100.
10. ARSA. Fund -189. List-1, Folding Volume-392.
11. O'zbekiston Milliy Arxivi (O'zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund -95. List-1, Folding Volume-2219.
12. Kollektivizaciya sel'skogo hozyajstva. Vazhnejshie postanovleniya Kommunisticheskoj partii i Sovetskogo pravitel'stva. 1927-1935. (1957) [Collectivization of agriculture. The most important resolutions of the Communist Party and the Soviet Government. 1927-1935]. Moscow: Izdatel`stvo. AN SSSR .
13. Aminova, R. (1977) Osushestvlenie kollektivizacii v Uzbekistane (1929-1932 gg). [Dehumidification of collectivization in Uzbekistan (1929-1932)]. Tashkent: Fan.
14. Nad'kin, T.D.(2006) Stalinskaya agrarnaya revolyuciya i krest'yanstvo [The Stalinist Agrarian Revolution and the Peasantry]. Saransk: Izdatel'skij dom "Kur'er-S".
15. NA of Uz. Fund-837. List-8, Folding Volume -311.
16. NA of Uz. Fund-837. List-9, Folding Volume-420.
17. NA of Uz. Fund-837. List-9, Folding Volume-419.
18. Pravda Vostoka. (1931) January 4. No. 3 (2408).
19. NA of Uz. Fund-95. List-1, Folding Volume-3544.
20. NA of Uz. Fund-837. List-1, Folding Volume-3200.
21. Danilov, V.P. (ed.) (2000) Tragediya sovetskoj derevni. Kollektivizaciya i raskulachivanie. Dokumenty i materialy. [The tragedy of the Soviet village. Collectivization and dekulakization]. Documents and materials. In 5 volumes. Vol. 2. November 1929-December 1930. Moscow: ROSSPEN.
22. Istoriya krest'yanstva SSSR. Istoriya sovetskogo krest'yanstva [History of the peasantry of the USSR. History of the Soviet Peasantry]. In: Sovetskoe krest'yanstvo v period socialisticheskoj rekonstrukcii narodnogo hozyajstva. Konec 1927-1937 (1986) [The Soviet Peasantry during the Socialist reconstruction of the national economy. The end of 1927-1937]. In 5 volumes. Vol. 2. Moscow: Nauka.
23. Ivnickij, N.A. (2000) Repressivnaya politika sovetskoj vlasti v derevne (1928-1933 gg.) [The repressive policy of Soviet power in the countryside (1928-1933)]. Moscow: Veche.
24. Sobranie zakonodatel'stva SSSR. (1931). [Collection of legislation of the USSR]. No. 19.
25. Sobranie zakonodatel'stva SSSR. [(1931) Collection of legislation of the USSR]. No. 3.
26. Sobranie zakonodatel'stva SSSR. (1932) [Collection of legislation of the USSR]. No. 78.
27. Eferina, T.V. (et.al) (1998) Nalogovaya politika i krest'yanskoe hozyajstvo v 1920-e-1930-e gody [Tax policy and peasant economy in the 1920s-1930s.]. Saransk: "Krasnyj Oktyabr'".

Муаллиф ҳақида маълумот:
АБДУЛЛАЕВ Музробжон Ғуломович – тарих фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори в.б. E-mail: muzrobjon@list.ru